




XASR



ИЖТИМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 24 февраль, пайшанба
08 (380)-сон

E-mail: axborotXXlasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

БУГУН ВИЛОЯТДАГИ 739 ТА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИДА 409 МИНГ 313 НАФАР ЎГИЛ-КИЗГА 37 МИНГ 396 НАФАР ПЕДАГОГ ИЛМ-ФАН СИРЛАРИДАН САВОҚ БERAЯПТИ. > 03



«КРЕДИТ СТАНДАРТ БАНК»-И 2010 ЙИЛДА АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЖАМИ 24,2 МЛРД. СЎМ, ЖУМЛАДАН, ЕҒ-МОЙ САНОАТИ УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ ИККИТА ҚОРХОНАГА 7,9 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТДИ. > 06



ШУ КУНЛАРДА БИРГИНА ГАЗНИНГ ЙИЛЛИК ИСТЕЪМОЛИ 3 ТРИЛЛИОН КУБ МЕТРДАН ОШАЁТган бўлса, 2030 ЙИЛГА БОРИБ БУ РАҚАМНИНГ 5,16 ТРИЛЛИОН КУБ МЕТРГА ЕТИШИ КУТИЛАЯПТИ. > 07



ИСЛОҲОТ

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашган бир пайтда бозорларимизда нархларнинг арзонлашувиغا олиб келди.

>> 05



ИМТИЁЗ

2010 йилда ижара марказлари томонидан республикамиздаги 8355 та объектнинг 7212 таси (86,4 фоизи) тадбиркорлар ихтиёрига берилди.

>> 04



ФУТБОЛ

Тоҳир Кападзе ва Марат Мифтахутдинов мураббийлигидаги олимпиячиларимиз Беларусининг «Неман» жамоасига қарши ўтказилган иккинчи учрашувда 3:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

>> 08

Миллатлараро тотувлик — тинчлик ва барқарорлик омили

ПОЙТАХТИМИЗДА «МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ


Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази томонидан Республика қирғиз миллий маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда турли жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва олимлар, миллий маданият марказларининг фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида қатнашганлар Президентимиз

Ислом Каримов раҳнаомлигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши борасида олиб борилаётган эзгу ишларда миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, ҳамжихатлик ва бағрикенглик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкитлади.

>>>

КЕЧА ВА БУГУН



Ишончли одимлардан — иқтисодий тараққиётга

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ 94 ФОИЗИ МАМЛАКАТДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛНИ «ЯХШИ ВА БАРҚАРОР» ДЕБ БАҲОЛАДИ

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган набатдаги сўровда респондентларнинг 97,3 фоизи мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари юқори даражада таъминланганини, 96 фоизи транспорт хизмати даражасидан қониқиб қолганини, 87,5 фоизи эса мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун яхши шароитлар яратилганини билдириди.

Ҳақиқатан ҳам ўзига хос тараққиёт йўлидан босқичма-босқичлик таъминлашга эришган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳадаги ислохотлар туфайли ҳам иқтисодиётимизда барқарор ўсиш кўрсаткичлари қайд этилмоқда. Бунинг қаршиги ўн йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошганида ҳам кўриш мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон дунё жамоатчилиги кўз унгида глобал инқироз хатарлари ва таҳдидларига қаршилик кўрсатишга қолмай, иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари, одамлар фаровонлиги ва бахт-саodatини таъминлашга эришган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси

массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратилиши эса бугунги Андижон қиёфасини, иқтисодиётини янада ривожлантириш имконини бердики, бунинг бунёдкор Андижон аҳли алоҳида эътироф этмоқда.

ИСТИКЛОЛДАН — ИСТИКБОЛГА >> 02-03

✓ Бугунги сондо:

«ЁШЛАР ҚАНОТИ» ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ЕТАРЛИЧА Фойдаланаяптими?

Хўш, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ МАЗКУР ТУЗИЛМА ЎЗ ТЕНГДОШЛАРИ ЎРТАСИДА ИЖТИМОЙ КЎТАРИНКИЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛГАН, ЭСДА ҚОЛАРЛИ, ВИЛОЯТ МИҚЁСИДА ТИЛГА ТУШГАН, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ТАБИИЙ РАВИШДА ЁРИТИЛГАН ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗДИ? ДАВЛАТНИНГ ЯХЛИТ ВА ТАЛАБГА ЖАВОБ БERAДИГАН ЁШЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАНДАЙ РЕАЛ ҲИССА ҚўШДИ? АЙРИМ ТУМАНЛАРДА ФАҚАТ РАСМИЯТЧИЛИК УЧУНГИНА ТАДБИРЛАР УЮШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ХАРАКАТЛАР ЭСА «ЁШЛАР ҚАНОТИ»НИНГ ХАР ДОИМ ХАМ ЁШЛАР ОРАСИГА КИРИБ БОРМАЁТганини кўрсатиб қўймоқда. БУ ЭСА МАЗКУР МАСАЛАГА ФАҚАТ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРИДАНГИНА ЭМАС, БАЛКИ ҚАТЪИЙ ВА ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ МУҲИМ МАСАЛА СИФАТИДА ҚАРАШ ЛОЗИМЛИГИНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

05 >>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҲАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↑ 1684,99	1 АКШ доллари	↑ 1664,52	1 Ҳонгвон юани	↑ 253,51	1 Туркия лираси	↑ 1054,11	1 Япония иенаси	↑ 200,33
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2701,35	1 Миср фунти	↑ 283,23	1 Малайзия ринггити	↑ 548,35	1 Швейцария франки	↑ 1760,65	1 Россия рубли	↑ 56,89
1 Дания кронаси	↑ 305,32	1 Исландия кронаси	↑ 14,32	1 Польша злотийси	↑ 582,49	1 ЕВРО	↓ 2256,65	1 Украина гривнаси	↑ 209,59
1 БАА дирҳами	↑ 453,21	1 Канада доллари	↑ 1687,64	1 СДР	↑ 2593,56	1 Жанубий Корея вони	↑ 14,88		

Иқтисодиёт

Комиссия тadbиркорлар билан мулоқот ўтказди

2010 ЙИЛИ САМАРҚАНДДАГИ ТИЖОРAT БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ЖАМИ 1193607 МЛН. СЎМ, ХОРИЖИЙ КРЕДИТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ХИСОБИДАН ЭСА 6,4 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ ВА 4,95 МЛН. ЕВРО МИҚДОРИДА КРЕДИТЛАР БЕРИЛДИ

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Тadbиркорлар учун кейинги беш йилда ягона солиқ ставкасининг 13 фоиздан 7 фоизга туширилгани ҳисобига эса бир йилда корхоналар ҳисобида 2,1 млрд. сўм маблаг қолмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг тadbиркорлар билан очиқ мулоқотида ана шу рақамлар тилга олинди.

Тadbирни комиссия раиси, Самарқанд вилоят ҳокими Зойир Мирзаев олиб борди.

Тadbирда таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда 14865 та кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, 2009 йилнинг шу давридаги таққослаганда, улар сони 1167 та, фаолият юритаётганлари сони эса 670 та ошган. Айни пайтда хусусий сектор томонидан 44575 та янги иш ўрни яратилганини ҳисобга олсак, Самарқандда ўрта қатлам вакиллари фаолият қанчалар салмоқли эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бундан ташқари, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9, 2009 йилда 8,1, 2010 йилда эса 13,6 фоизни ташкил этди. Шу ўринда кичик бизнес ва тadbиркорлар томонидан 2010 йилда 212 та лойиҳа асосида 60,2 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилгани ҳамда 57,5 млн. дол-

лар миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилинганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Тadbирда комиссия аъзолари билан бирга вилоят ҳокими ўринбосарлари, бўлим ва бошқармалар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, корхона ва ташкилотлар, муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари етакчилари иштирок этиб, тadbиркорлар олдида турган масалаларни атрафлича муҳокама қилдилар. Хусусан, электр ва газ таъминотидаги узлишлар, банклардан кредитлар олишдаги муаммолар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, йилнинг ўрнини ўқиб, айрим корхоналар ҳудудини кенгайтириш учун қўшимча ер ажратиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Пастдаргом туманида эркаклар кўйлақларини тикши билан шуғулланувчи «Бека Чарос» хусусий корхонасида маҳсулот тайёрлаш учун пул кўчириш йўли билан мато харид қилиш муаммоси мавжудлиги тилга олинган, масъул идораларга ихтисослаштирилган базалар орқали матоларни етказиб бериш вазифаси юклатилди.

Мулоқотда тadbиркорларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилиб, кўрилган масалалар бўйича тегишли чора-тadbирлар белгиланди.



Давоми. Бошлиниши 1-саҳифада <<

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида ҳам вилоятда олиб борилган қурилиш ва ободончилик соҳасидаги ишларга юқори баҳо берилди. Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда автомобилсозлик Асакадан бошланди. Шу заводни очган куним — 1996 йил 19 июлни Ўзбекистон ҳаёти учун, тарихи учун бахтли кун, деб ҳисоблайман» деган сўзлари эса андижонликлар қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

барча йўналишлар бўйича белгиланган режалар ортиги билан ижро этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 110,5, саноат маҳсулотлари 109,4, қурилиш ишлари ҳажми 130,5, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 108,1, чакана савдо айланмаси 117,7, пулли хизматлар 113,3 фоизни ташкил этди. Маҳаллий корхоналарнинг экспортдаги улуши 29 миллион АҚШ долларига етиб, прогноз кўрсаткичи 118 фоиз этиб уддаланди. Ҳудудий дастурга асосан 35 миллион, шу жумладан, 20 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция тўғрисидаги ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ҳудудий корхоналар томонидан 37,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳам эътиборга сазовордир. Ўтган йили

ХУСУСАН, ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ 110,5, САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ 109,4, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҲАЖМИ 130,5, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЯЛПИ МАҲСУЛОТИ 108,1, ЧАКАНА САВДО АЙЛАНМАСИ 117,7, ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР 113,3 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАР ЭКСПОРТИ ҲАЖМИ 29 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ЕТИБ, ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧИ 118 ФОИЗ ЭТИБ УДДАЛАНДИ. ҲУДУДИЙ ДАСТУРГА АСОСАН 35 МИЛЛИОН, ШУ ЖУМЛАДАН, 20 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЎЗЛАШТИРИЛДИ. МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҲУДУДИЙ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН 37,9 МИЛИАРД СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ.

Чунки айнан ана шу завод ва унга алоқадор қўшма корхоналар, Маҳаллийлаштириш дастури асосида турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган фирмалар, кўчаларни тўлдириб юрган автомобиллар шарафати билан 150 мингдан зиёд хонадонга ризқ-рўз қираяпти, 700 мингдан зиёд аҳоли унинг фаолиятидан баҳраманд бўлмоқда.

Бугун андижонликлар эришган муваффақиятлар ҳақида сўз борганида вилоятда 2010 йилда

ушбу йўналишда 13,7 фоиз ўсишга эришилди. Кейинги 4 йилда аҳолига кўрсатилган ана шундай хизматлар ҳажми киши бошига ҳисоблаганда қарийб 3,4 баробар ошди. Мобиль алоқа, интернет, видеотелефон тизими, лизинг, сугурта, аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турлари кўпайиб, йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Тинимсиз изланиш, янги навлар, янги усуллари яратиш, амалиётга жорий этиш андижонлик қишлоқ хўжалик ходимларининг азалий анъаналаридир, десак, янгиликлар бўлмас. Ўтган йил кўрсаткичлари ҳам фикримиз бежиз эмаслигини исботлади: 80 минг 200 гектар майдонда етиш-

Саодатга бошловчи

Давоми. Бошлиниши 1-саҳифада <<

Умид ҲУБОВ,
Ўза шарҳловчиси

Давлатимиз герби тасвири давлат идораларининг муҳр ва бланкаларида, расмий нашрларда, миллий пул, қимматли қорозлар ва облигацияларда, фуқаролик паспортларида акс эттирилган.

Энг муҳими, ёш авлод қалбида давлатимиз рамзларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуси тобора мустаҳкамланаётган. Фарзандларимиз бу рамзларда ўз ҳаётини, дахлдорлик ҳиссини ва эртанги кунга ишончини кўрмоқда, буни онгли равишда аниқлаб етмоқда.

Юртимизнинг ўтган мустақил тараққиёт йўли барча жаҳонда тикланиш ва юксалиш дaври бўлди. Ҳаётимизга янги тушунчалар ва тамойиллар кириб келди, дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз ўзгарди. Шу билан бирга бугунга келиб давлат рамзларига оид қонунийлик базасини янада такомиллаштириш ҳаётнинг ўзи тақозо қилди.

Давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари

ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Мазкур қонун Олий Мажлис Сенати томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланди ва 2010 йил 25 декабрда расмий эълон қилиниши ва қўлغا кирди.

Ушбу қонун билан 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги, 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

— Мазкур қонун мустақил давлатчилигимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлган давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни бугунги воқелик талабларидан келиб чиқиб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти гуруҳ раҳбари, юридик фаилар номзоиди Раҳимжон Ҳақимов. — Қонун билан давлат рамзларидан фойдаланиш қоидаларини янада мустаҳкамлади, кўплаб тушунчалар аниқлаштирилди, давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Мисол учун: «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмида «Янги ой ва юлдузларнинг» деган сўзлар «Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ ран-

тирилган галладан 62,1 центнердан сара дон йиғиштириб олинди. Пахтачилик соҳасида ҳам мамлакатда эришилган катта муваффақиятга муносив ҳисса қўшилди.

Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чораларни тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2010 йилда намунавий уй-жой қурилиши энг замонавий лойиҳалар асосида амалга оширилади бошланди ва барча қулайликларга эга бўлган, табиий газ, ичимли сув ва раван йўллар билан таъминланган 665 та янги уй-жой бунёд этилди. Натигада барча бирдай хавас қилаётган 12 та замонавий турак жой мавзеси вуқудга келди. Хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолиятини йўлга қўйилди.

Ушбу кенг қўламли қурилишлар баҳонасида вилоятда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариладиган 233 та корхона ташкил этилиб, уларда минглаб юртдошларимиз доимий иш билан таъминландилар. Бугун Андижон шаҳрининг «Ўзбекистон», Бобур, «Миллий тикланиш», Амир Темур шохқўчаларида улкан бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Кўча бўйларини янада яшилган ўтган асрнинг 30-40 йилларида хом

гли беш қиррали юлдузларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилди. Бу байроғимиз тасвири ҳақидаги таъсирчан янада аниқлаштирилди. Мазкур қонун ҳуқуқий асосида амалга оширилган 101 та «Бозор» қўчасида эса 133 та эски бино ва иншоотлар бузилиб, ўрнида янги ва замонавий уйлар қурилади.

Ҳозир вилоятда иш билан банд аҳолининг асосий қисми кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Янги иш ўринларининг 70 фоиздан ортиғи эса қишлоқ ҳудудлари ташкил этилди.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш лозим. Улар фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида ўтган йили банклар томонидан 166 миллиард сўм миқдоридagi кредитлар ажратилди. Шу йил 1 январь ҳолатига жами кичик бизнес ва тadbиркорлик субъектларининг сони 17491 тани ташкил этгани эса вилоятда ўрта қатлам вакиллари мустақкам оёққа турганликларини кўрсатди. Ўтган йил натижаларига кўра ялпи ички маҳсулотнинг 54,7 фоизи

Давоми. Бошлиниши 1-саҳифада <<

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, мамлакат иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил этди. Халқаро экспертларнинг фикрича, 2010 йилда АҚШда бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 8,9 фоизни, Россияда 3,9, Буюк Британияда 10,5, Португалияда 7,3, Грецияда 8,1 фоизни ташкил этган бир пайтда Ўзбекистоннинг давлат бюджети 0,3 фоиз профицит билан баҳарланди.

Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган дастурлар айниқса инқироз шароитида ўз самарасини берди. Мазлумки, 2008 йили бошланган инқироз туйғайли жаҳонда 30 миллион нафардан ортиқ киши ўз иш ўринини йўқотган. Халқаро таҳлилчилар «бу хавфининг олдини олиш учун яқин ўн йил ичида дунёда камиди 45 миллион иш ўрни яратилиши керак»лигини бежиз таъкидламаптилар.

Ана шундай мураккаб вазият ҳукм сургани 2010 йилда мамлакатимизда 950 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Юртимизда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг улуши кўпайгани ҳам иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Бугун мамлакатимизда маҳсулотнинг 52,5 фоизини ишлаб чиқараётган, аҳолининг қарийб 74 фоизини фойдали меҳнатга жалб этаётган ўрта синф вакиллари-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг боиси ҳам ана шунда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, мам-



Халқ шижоати



айнан ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келган экан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бу рақам янада юқори бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Биз Бобуршоҳ кўчасида 5 қаватли кўркам бино кураётимиз. Ҳадемай бу ерда диагностика ва даволаш тиббий маркази иш бошлайди. Унинг қурилишига таъсисчи сифатида ўз маблагимиз ҳамда «Ҳамкорбанк»дан олинган 375 миллион сўмлик кредит қатта мадад бўлди. Марказ биттач, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, 30 киши иш ўрни билан таъминланади, — дейди «АКА» фирмаси раҳбари Абдурахмон Юсупов.

— Андижонимизда тадбиркорларга яратилган ана шундай шарт-шароитлар туфайли ҳам улкан бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётимиз. Қураётган биноларимиз ўзимизга мулк бўлса, халқимизга хизмат кўрсатади. Шаҳримиз эса обод бўлади.

Даромадга қараб буромад, деганларидек, вилоятда халқ таълими, маданият ва спорт, ижтимоий соҳалар ҳам тезкорлик билан ривож топмоқда. Бугун мавжуд 739 та умумий ўрта таълим мактабида 409 минг 313 нафар ўғил-қизга 37 минг 396 нафар педагог

илм-фан сирларидан сабоқ бераёпти. Мазкур таълим муассасаларининг аксарияти мукамал таъмирланган, кўпчилиги янгидан бунёд этилган бўлиб, бу мақсадларга 97,2 млрд. сўм, жиҳозлаш учун эса 37 млрд. 892 млн. сўм миқдоридан маблағ сарфланди.

Ушбу муҳим ишга кичик бизнес вакиллари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, 2009 йилда шахрихонлик тадбиркор Д. Саматов ўз маблагли ҳисобидан 216 ўринли замонавий мактаб-боғча мажмуаси қуриб фойдаланишга топширди. Ушбу ишларга ҳомий томонидан жами 1 миллиард 264 миллион сўм сарфланди.

Андижон шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Фотима Иминова ҳам таълим тизимига алоҳида эътибор берилаётганини, вилоятда амалга оширилаётган ислохотлар эса ёш авлод онгу тасаввурини бойитишида муҳим ўрин тутаяётганини фахрли билан эътироф этди.

— Вилоятимизда, хусусан, унинг маркази — Андижон шаҳридаги ўзгаришларни кўрганда ёшларимизга бу янгиликни жараёни қандай таъсир қилаётганини кузатаман. Янги-янги бинолар, раво кўчалар, уларни тўлдириб юрган, ўзимизнинг Асака

автомобиллари ёшлар дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборди. Янгиликни нафасидан йигит-қизларимизда мана шу юрда яшайганидан фахрлилик ҳисси кучаяётганини биз, муаллимлар янада чуқурроқ ҳис этаёلمиз.

Фотима опанинг қувонганича бор, албатта. 2003-2010 йилларда вилоятда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан жами 100 та иншоот қурилгани, биргина 2010 йилнинг ўзида 3 та мактабга спорт зали, 1 та мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилгани Андижон ёшларини янги марраларга ундамоқда. Бундан ташқари, ҳудуддаги 4 та иншоот реконструкция қилиниб, 4 та сузиш ҳавзаси ва 1 та спорт иншоотида капитал таъмирлаш, 13 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Айни пайтда вилоятдаги 897 қорхона, ташкилот, муассаса ва бирлашмалардаги 1396 та спорт жамоасида 703 минг 91 нафар киши спорт билан шуғулланмоқда. Уларнинг 316 минг 453 нафари аёллар экани айниқса диққатга сазовордир. Жисмоний тарбия ва спортга алоҳида аҳамият берилаётгани туфайли андижонлик спортчилар 2010 йилда 310 та халқа-

ро ва республика даражасидаги мусобақаларда қатнашиб, 522 та олтин, 421 та кумуш, 560 та бронза медалларни қўлга киритдилар.

— Мен Андижон шаҳрида туғилиб, вояга етдим. Умрим мана шу жаннатмонанд гўшада кечмоқда. Бугунги улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, беихтиёр шахримизнинг кечаси ва бугунги қиёфасини кўз олдимга келтираман. Болалигим ўтган тор, арава зўрга юрадиган кўчаларни, гувалардан тикланган уйларни эслайман, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси Фозилжон Сиддиқов.

— Масалан, «Ўзбекистон» кўчасини олиб кўрайлик. Уни сира иккиланмай шахримизнинг асосий дарвозасига айланди, десак бўлади. Биргина шу кўчада амалга оширилган ишларнинг ўзи юз йилга таъйиди. Муҳтарам Юрбошимиз раҳнамолигига рўйбга чиқарилаётган бундай улугвор ишларнинг энг, кўнглим тоғдай кўтарилади.

Ижодий сафардан қайтар эканмиз, отахонинг ана шу самимий сўзлари бутун Андижон аҳлининг бугунги ўзгаришларга берган баҳоси эканига амин бўлдик.

Миллатлараро тотувлик — тинчлик ва барқарорлик омили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Давра суҳбатидида хориждаги айрим марказлар ҳамда ахборот агентликлари томонидан Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликка, минтақамиз халқларининг қадимий дўстлиги ва қардошлигига, жамиятимиздаги ахиллик ва барқарорлик муҳитига раҳна солишга қаратилган ахборот хуружлари уюштирилаётганига назар асосан, миллатлараро тотувликнинг кўнглим тоғдай кўтарилади.

Давра суҳбатидида хориждаги айрим марказлар ҳамда ахборот агентликлари томонидан Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликка, минтақамиз халқларининг қадимий дўстлиги ва қардошлигига, жамиятимиздаги ахиллик ва барқарорлик муҳитига раҳна солишга қаратилган ахборот хуружлари уюштирилаётганига назар асосан, миллатлараро тотувликнинг кўнглим тоғдай кўтарилади.

Давра суҳбатидида хориждаги айрим марказлар ҳамда ахборот агентликлари томонидан Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликка, минтақамиз халқларининг қадимий дўстлиги ва қардошлигига, жамиятимиздаги ахиллик ва барқарорлик муҳитига раҳна солишга қаратилган ахборот хуружлари уюштирилаётганига назар асосан, миллатлараро тотувликнинг кўнглим тоғдай кўтарилади.

тили билан биргаликда бошқа қардош халқлар тилларида, жумладан, қирғиз тилида ҳам таълим берилаётгани, шу тилларда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, адабиётлар чоп этилаётгани юртимизда барча миллат вакиллари учун кенг шароит яратилганидан далолатдир. Мен мана шу табаррук заминда кўп йиллардан бунёд истиқомат қиламан. Она юртимиз — Ўзбекистоннинг самимий, кўнглим очик, меҳнатсевар, бағрикенг халқидан бир умр миннатдорман. Ўзбекистон менинг ҳам жонажон Ватанимдир.

Дарҳақиқат, юртимизда истиқомат қилаётган барча инсонлар, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқли фуқароларидир. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аёнана ва қадриятлари, урф-одатларини асраб-авайлаш, раванқ топтириш учун зарур имкониятлар яратиш Конституцияимизда белгиланган бўлиб, Истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётгани юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил яшаб, меҳнат қилмоқда. Уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда турли миллат ва элатларнинг миллий аёнана ва қадриятларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Умумий ўрта таълим мактабларимизда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қирғиз, туркман, қozoқ, тожик тилларида билим берилаётгани, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллатларнинг ўн тилда фаолият олиб бораётгани бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда бир юз элликка яқин миллий маданият марказлари фаолиятида жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, тотувлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат муҳитини мустақамлашга ҳисса қўшиш, миллий ва умумбашарий эзгу қадриятлар ва аёнана-ларини янада раванқ топтириш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш устувор аҳамият касб этади. Бу жиҳатлар барча миллий маданият марказлари томонидан ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, дўстлик фестиваллари, концертлар, турли кўргазмаларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Тадбирда миллий маданият марказларининг келгусидаги режалари белгилаб олинди.

рамзлар

байроғимиз элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реңкитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди, ундан товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларинда фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат

мустақамлайди.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига киритилган ўзгаришлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Уларга кўра,

мўтабар қўшиғини тинглаш билан боғлиқ. Гарчи ҳозирга қадар давлатимиз мадҳияси янграганда халқимиз уни тик турган ҳолда ўнг қўл кафтини чап кўкрагига қўйиб, ички ҳурмат ва эҳтиром билан тингласа, бу ҳолат қонуний жиҳатдан белгиланмаган эди. Маънавиятга оид қонуннинг 7-моддаси янги таҳрирда баён этилиши бу борадаги барча масалага оидиндик киритди.

Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунга янги киритилган 13-моддага кўра, Ўзбекистон фуқаролари, шуниингдек юртимизда бўлиб турган бошқа халқларнинг ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ҳурмат қилиши шарт. Буларнинг барчаси халқимизнинг энг мўтабар қўшиғига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

КЕЛГУСИ СОНДА:

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ



2009-2014 йилларга мўлжалланган Дастур асосида барча манбалар ҳисобидан 42,5 млрд. АҚШ долларидан ортиқ инвестиция маблағларини иқтисодийнинг реал сектори тармоқларига жалб қилиш ва 343 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Шу кунгача эса 205 та лойиҳага 25 млрд. АҚШ долларидан ортиқ ташқи инвестиция ва кредитлар жалб қилиниб, 19 та лойиҳа учун 1024,7 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўнатилди.

ташкilotларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас. Давлат гербига нисбатан ҳам худди шу каби меъёрлар “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонунга киритилган 5-модда билан белгиланди.

Қонунчиликдаги бундай ўзгаришлар давлатимиз рамзлари элементларидан хусусий манфаат йўлида фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Асосийси, тарихий ва боқий қадриятларимиз асосида яратилган, халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажиги тимсоли бўлган давлатимиз байроғи ва гербига нисбатан ҳурматни қонун жиҳатидан

ушбу қонунларнинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шуниингдек, халқаро ташкilotлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкilotлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунга ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Бу ўзгаришларнинг алоҳида эътиборлиси — халқимизнинг энг

Халқимиз азал-азалдан барча хайрли ишни ўнг билан бошлайди ва бу ростилик, эзгулик тантанасини ифодалайди, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Нурмухаммад Наҳонов. — Ҳар гал ўқувчиларимизнинг ўнг қўлини кўксига қўйиб мадҳиямизни тинглаётганини кўрсам, ички мамнуният уларнинг юзида ҳам зуҳур этганига амин бўламан. Давлатимиз мадҳиясини тинглаш маданиятининг ёзма тарзда ифодалангани, шубҳасиз, ёшларимиз камолотига хизмат қилади, уларга ҳамша миллий ифтихоримизни эслашиб туради.

“Ўзбекистон Республикасининг



Банк сертификати — бу кредит нақд, дегани

БЎКА ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН АГРОСАНОАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА О'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ХАМДА РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ БАНКИ БИЛАН ХАМКОРЛИҚДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — АДОБИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ» МАВЗУИДА МУЛОҚОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш, хусусан, соҳани ривожлантиришда банк-молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти, партия электорати вакиллари-нинг микромолиявий хизматларидан фойдаланишга оид билимларини такомиллаштириш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан афрофли-ча фикр юритилди.

Анжуманда сўзга чиққан мутахассислар чиқиб, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун бошлангич сармояни шакллантириш, уларга кредит ажратиш тартиб-қоидалари ҳақида тўхталди. Мулоқот давомида олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежлари талабалари учун бизнес ўқув курсларини доимий равишда ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки ва кейинги босқич-

ларида учрайдиган баъзи муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш омиллари хусусида маълумот берилди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий рағбатлантириш бўйича тижорат банклари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди Марказий банк Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов. — Жумладан, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, бошлангич сармояни шакллантириш, кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, айтиш мумкин бу асосда иш олиб боришмоқда.

Тадбир якунида «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси иштирокчиларига бошлангич сармояни шакллантириш учун тижорат банкларидан кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди. Zero, банк сертификати — бу кредит нақд, деганидир.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Электрон савдо — замон талаби

МАЪЛУМКИ, АЙНИ КУНДА ДУНЁ МИҚЁСИДА ЭЛЕКТРОН САВДО ХИЗМАТИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН РИВОЖЛАНИБ БОРАЯПТИ. НЕГАКИ ПЛАСТИК КАРТОЧКА МИЖОЗ УЧУН ҲАР ЖИХАТДАН ҚУЛАЙДИР

Дилшод НОСИРОВ,
«Узсанотқурилишбанк»
стратегия ва маркетинг бошқармаси бошлиғи

Бу электрон ҳаманда исталган миқдордаги пулни солиб юриш ва зарур жойда ҳисоб-китоб қилиш имкониятини яратди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун пластик карточкалардан кенгроқ фойдаланишга инти-лоқда. Очиқ акциядорлик-тижорат «Узсанотқурилишбанк» ана шундай молия муассасаларидан биридир.


Жорий йилнинг январь ҳолатига банк-нимиз 836128 донна пластик картани муомалада чиқарди. Жойларда ҳам 4 239 та терминал ўрнатилган. Кези келганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз.

Утган йили электрон савдо терминаллари орқали амалга оширилган тўловларнинг 89,6 фоизи аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига тўғри келди. Шунингдек, «Узсанотқурилишбанк»нинг барча филиалларида VISA терминаллари орқали DUET тизимига ишлайдиган карточкаларни қабул қилиш тартиби йўлга қўйилган бўлиб, ушбу

хизмат туридан фойдаланувчи мижозлар яшаш жойи ёки офислардаги шахсий компьютерларидан ўз ҳисобрақамларини кўриш имкониятига эгадирлар. 2010 йил давомида савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар бўйича 122,1 млрд. сўм миқдордаги тўловлар амалга оширилган. Бундан ташқари, VISA пластик карталари орқали 12 939 717 та транзакция ўтказилганини қайд этиш лозим. Тўловлар миқдори эса 363 549,7 млрд. сўмни ташкил қилади.

Банк томонидан корхона ва ташкилотлар (мониторингга олинган, шунингдек, бюджет, махсус контингент ва бошқа тузилмалар)га иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тартиби жорий этилган бўлиб, утган йили улар ҳисобига 447,2 млрд. сўм миқдорида кирим қилинган.

Бир сўз билан айтганда, электрон савдо мижозлар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлиб, бу жойларда пул муомаласини такомиллаштириш, банк хизматларини намунали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Республика-мизнинг барча ҳудудларида пластик карточкаларга бўлган қизиқиш охиби бо-раётганлиги ҳам шундан.



«XXI ASR»
2011 йил 24 февраль,
пайшанба
08 (380)-сон

Мулк

Марҳамат, «ноль» қийматда сотиб олинг!

2011 ЙИЛНИНГ 16 ФЕВРАЛИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 141-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ ЭВАЗИГА «НОЛЬ» ҚИЙМАТДА СОТИШ БЎЙИЧА ХУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕНДЕР-САВДОЛАР ЎТКАЗИЛА БОШЛАНДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биринчи навбатда бозор иқтисодиётига асосланган эркин жамият қуриш учун, энг аввало, мулк масаласини ҳал этишга эътибор қаратилди.

Бу борда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Аксиядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет элдик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қўллаб-қувватлов ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўз навбатида ушбу муҳим масалага Президентимиз Исроҳ Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида ҳам хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш зарурлиги, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўла киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди. «Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоясидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция кири-тиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айтиш мумкин бозор иқтисодиёти-нинг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилмаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқариш ва қабул қилиш зарур», — деди давлатимиз раҳбари мазкур маърузада.

Шубҳа йўқки, ушбу янги қонун Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги «Ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулк объектлари негизида но-озик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва шу каби ҳужжатлар ижросини таъминлаш жараёнини янада тезлаштиришга хизмат қилади. Бинобарин, ушбу қарор асосида барча вилоятларда бошланган танлов-савдолар, айниқса, кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради, албатта. Негаки, ҳеч кимга наф бермаётган, бошқача айтганда, ҳара-катсиз ётган мулкларни сотиб олган ишбилармонлар уни «жонлантири-риб», нафакат иқтисодиётга, балки ўз даромадларини орттиришга ҳам эришишлари мумкин. Аҳамиятлиси шундаки, мазкур давлат активлари хусусий сектор вакилларига инвес-тиция кириштириш, янги иш ўринлари-ни яратиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шарти билан мулққа бепул берилди.

Таъкидлаш жоиз: мазкур тадбир-ларга Давлат мулк қўмитаси томо-нидан алоҳида тайёргарлик қўйилди. Жумладан, 2010 йилнинг декабрь ойида Вазирилар Маҳкамаси қарори-га асосан қўмитанинг барча ҳудудий бошқармалари ташаббуси билан ОАВда «ноль» қийматда сотиладиган объектларга оид маълумотлар, яъни ишламаётган, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бинолар-нинг манзили, савдо кунлари ҳақида эълонлар берилди.

ДМҚ таркибидagi Инвестор то-монидан инвестиция мажбуриятла-



рининг бажарилишини назорат қилиш бошқармасидан олинган маълумотлар-га қўра, утган даврда ҳам тизим миқё-сида инвестиция мажбуриятлари эвази-га нолинчи қийматда қатор объектлар сотилган.

Умуман олганда, ДМҚ томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхона-ларининг молиявий барқарорлигини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувват-лаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий бар-қарорлигини янада ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги Фармони асосида кейинги икки йилда 471 очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг уст-ав фондлари белгиланган метр, яъни 400 миң АҚШ долларига тенг суммага ет-казилган бўлса, 122 та АЖда мулкчи-лик шакллари ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, қўмита томонидан кичик бизнес субъектларига нотурар жой бинолари-ни ижарага бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани натижасида 2010 йилда ижара марказлари томонидан ре-спубликамиздаги 8355 та объектнинг 7212 таси (86,4 фоизи) вақтинча ана шу жой-ларга эҳтиёжи бор тадбиркорларга ижа-ра шартномаси асосида берилди. Муҳи-ми, бу борда 20,7 млрд. сўмлик 11901 та шартнома имзоланиб, жойларда қарийб 25 миңта янги иш ўрни яратилди.

Ишончимиз комилки, навбатдаги қадам ҳам иқтисодиётимизнинг ажрал-мас бўлагига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланиши учун муҳим омили бўлади.

Ҳурматли тадбиркорлар
ва кичик бизнес субъектлари!



«АГРОБАНК» ОАТБ

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан

- «ЭНГ ЯХШИ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА»
- «ЭНГ ЯХШИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИҲАСИ»
- «ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕР ЛОЙИҲАСИ»
- «ЭНГ ЯХШИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЛОЙИҲАСИ»
- «ЭНГ ЯХШИ ЁШ ТАДБИРКОР ЛОЙИҲАСИ»
- «ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР АЁЛ ЛОЙИҲАСИ»

номинациялари бўйича имтиёзли кредитлар ажратиш танловини эълон қилади

Танлов голиблари турли қимматбаҳо совғалар ҳамда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланади.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2011 йилнинг 1 майига қадар Агробанкнинг ҳудудий филиаллари орқали қабул қилинади ва голиблар жорий йилнинг 25 июнида эълон қилинади.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Банкнинг марказий апарати	8-371-150-53-57 8-371-150-53-58 8-371-150-85-10
Банк операциялари бошқармаси	8-371-273-25-19
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси	8-361-770-77-41
Андижон вилояти бошқармаси	8-374-224-33-28
Бухоро вилояти бошқармаси	8-365-770-02-32
Жиззах вилояти бошқармаси	8-372-226-21-04
Қашқадарё вилояти бошқармаси	8-375-771-15-75
Навоий вилояти бошқармаси	8-436-770-35-40
Наманган вилояти бошқармаси	8-369-223-18-96
Самарқанд вилояти бошқармаси	8-369-229-45-59
Сурхондарё вилояти бошқармаси	8-376-770-81-12
Сирдарё вилояти бошқармаси	8-367-221-01-47
Тошкент вилояти бошқармаси	8-371-244-09-69
Фарғона вилояти бошқармаси	8-373-224-67-22
Хоразм вилояти бошқармаси	8-362-770-56-91
Бектемир филиали	8-371-295-40-28
Чилонзор филиали	8-371-277-30-99

Агробанк –
юрт ободлиги ва яратувчанлик
гояларининг молиявий таянчи!

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсўф ТЕШАБОВЕ, Абдурашид ЖЎРАБОВЕ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ГАНИЕВ, Зейдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Муклиса АКРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.

ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзода НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темир АБДУРАҲМОМОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ.

БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОМОВ

МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА

БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро хабар — 254-91-06, Ешлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Рекламм дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXlasr@yahoo.com XXI.ASR@yahoo.com.

© XXI ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида

газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НМИУ бошмахонасида chop этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Бюджет рақами: J 1185

Тираж: 18 596

Навбатчилар:

К.САЙДАЛИЕВ,

А.МУЗАФФАРОВ.



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



TADBIRKORLAR VA ISHBIKLARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

“Кредит стандарт банк” кредитларга зўр бераяпти

→ «Кредит стандарт банк» ўтган йили Европа бизнес ассамблеяси (Оксфорд, Буюк Британия)нинг «European quality» халқаро мукофоти билан тақдирланди. Шу билан бирга «Ahbar-Reyting» халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкнинг 2010 йилдаги фаолияти барқарор, дея баҳоланди.



Ишбилармонларга кўмакдош

Д.ЭСОНОВА,
ЎЗА

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида хусусий сектор субъектларининг кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада Сирдарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Гулстон» кредит уюшмаси бундан икки йил олдин 50 нафар аъзо билан иш бошлаган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1 миң 60 нафарга етди. Уюшма томонидан ўтган йили 570 миңга 1 миллиард 462 миллион сўмликдан зиёд кредит ажратилди. Бу маблағлар асосан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун берилди. Уюшма ўз аъзоларига ишончли ва даромадли омонатларни тақдир этиб келмоқда. Депозитга қабул қилинган пул маблағларининг йиллик фойдаси 14 фоиздан 40 фоизгача бўлган миқдорни ташкил этаётди. Уюшманинг

МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ЕТТИ ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН «КРЕДИТ СТАНДАРТ БАНК» ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ 1,3 МЛРД. СЎМ МАБЛАҒ БИЛАН БОШЛАГАН ЭДИ



«Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоралари тўғрисида»ги фармонлари банк жамоаси учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мижозларнинг «Кредит стандарт банк»га бўлган ишончи тибора ортиб бораётганлигини 2009 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Фарғонада унинг филиаллари иш бошлагани ҳам кўрсатиб турибди. Айни кунда эса пойтахтимиз ва барча вилоят марказларида 14 та мини банк фаолият юритапти. Молиявий соҳада эришган ютуқлари учун «Кредит стандарт банк» ўтган йили Европа бизнес ассамблеяси (Оксфорд, Буюк Британия)нинг «European quality» халқаро мукофоти билан тақдирланди. Шу билан бирга «Ahbar-Reyting» халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкнинг 2010 йилдаги фаолияти барқарор, дея баҳоланди.

Бир сўз билан айтганда, очик акционерлик-тижорат «Кредит стандарт банк» жамоаси аҳоли манфаати йўлида барча имкониятлардан фойдаланиб, юқори натижаларга эришмоқда. Жорий йилда эса банк жамоаси ҳудудий филиаллар сонини янада кенгайтириш, шу ҳисобдан миқдорлар, хусусан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига янада сифатли хизмат қўришини ўзининг бош мақсадига айлантирган.

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, ички истеъмол бозорини барқарорлаштириш, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, шу ҳисобдан ишлаб чиқариш миқдорини кенгайтиришда тижорат банкларининг ўрни бекиёс. «Кредит стандарт банк» ҳам ўз олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ўтган йили аҳоли эҳтиёжлари учун жами 24,2 миллиард сўм, жумладан, ёғ-мой саноати уюшмаси таркибидagi иккита корхона-

га 7,9 миллиард сўм миқдорда кредит ажратди.

Банк фаолиятинан бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, молия муассасаси томонидан юқори сифатли, рақобатбардош, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни молиявий рағбатлантириш, янги корхоналар ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида ўтган йили миқдорларга 4,7 миллиард сўм миқдорда кредит ва лизинг хизмати кўрсатилди. Самара ҳам чакки

эмас. Дейлик, мижозлардан бири банк Самарқанд филиалининг 4,4 миллиард сўмлик лизинг хизмати эвазига ўз корхонасига Бельгия, Франция ва Германиядан саккиз хилдаги юқори сифатли гилам ишлаб чиқариш ускуналарини келтирди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлаштини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ҳамда

Ёшлар маънавияти ва соғлом турмуш тарзи

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА

Глобаллашув жараёнида, гоёвий ва инновацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик каби иллатлар, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда диний-экстремистик таъсирлардан, «оммавий маданият» хуржидан ҳимоя қилиш барчамизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Шайхонтохур тиббиёт коллежидa ўтказилган учрашувада бу алоҳида таъкидланди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда диний идоралар вакиллари, ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этиди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида «оммавий маданият»нинг ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, бошқа халқларнинг неча миң йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарили таҳдид экани алоҳида таъкидланди. Шу боис ёшларни бундай таҳдидлардан асраш, уларнинг онги, маънавияти, тафаккурини захарлашга қаратилган уриқларга қарши курашни долзарб вазифалардан ҳисоб қилиш мумкин. Учрашувада маънавиятимизга ёт ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишалик каби иллатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни кучайтириш, бунда таълим муассасалари, маҳалла фаоллари ва ота-оналар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.



Ишончли ҳамкор

1994 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-БИРЖА БАНКИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ОРАСИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГАДИР. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА У ИЧКИ ХАМДА ХАЛҚАРО ДОИРАДАГИ БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛДИ, ДЕСАК, ХАТО ҚИЛМАЙМИЗ

Жумладан, Standard Chartered Bank (АҚШ), Commerzbank AG (Олмония), Raiffeisen Zentra Bank Österreich AG (Австрия), Sberbank (Россия), ОАО Vneshtorgbank (Россия), Asia-Invest Bank (Россия), Promsvyazbank (Россия) каби дунёнинг етакчи молия муассасалари «Трастбанк»нинг асосий корреспондентлари саналади.

Банкнинг жадаллик билан рақиб топаётгани «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан ҳам эътироф этилган. Унинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилиқ рейтинг даражаси «В» кўрсаткичида, барча йўналишлар бўйича

эса «Барқарор»ликка дахлдор эканлиги таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банк ўз фаолият доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаётди. Унинг диққатга молик жиҳатларидан яна бири юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатишда янги усуллардан фойдаланишда намоён бўлмоқда. Манана, ҳаётини мисол. Банк миқдорларидан бири — Сирғали туманида жойлашган «Интерсоп» Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси банкдан олган кредит ҳисобига маҳаллий хом ашё негизда экспортбон маҳсулотлар ҳажминини икки баравар оширишни ва корхонада қўшимча иш уринлари яратишни режалаштирмоқда.

Бу борадаги вазифаларни бажариш, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган режаларни рўйга чиқариш учун банк барча бўлим ва шўбаларида бизнесни ўстириш учун қулай шароитлар вужудга келтиришга интиломоқда. Шу билан бирга келгусида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорлик молиялаш ҳажминини ошириш ҳамда уларда бошланғич нишона сармоини шакллантиришга, микромолиялаш соҳаси кўламини янада кенгайтиришга қаратилган хизмат механизмларини такомиллаштириш йўлини босиб ўтади.

«Трастбанк»нинг пойтахтимиз ҳамда Термиз, Наманган ва Андижон шаҳарларида таш-

кил этилган янги тузилмалари жорий йилда асосий эътиборни таълим муассасалари, шунингдек, халқ хўнарамандчилиги оид лойиҳаларни молиялаштиришга қаратади. Зеро, эл-юрт манфаати йўлида сидқидиллик хизмат қилиш банк жамоасининг асосий мақсадидир. Бир сўз билан айтганда, «Уюшма банк учун эмас, банк миқдор учун» шiori остида иш юритилиб, илоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш учун барча имкониятлардан фойдаланилади.

«Трастбанк» ХОАББ
матбуот хизмати.

O'ZSANOATQURILISHBANK

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕЗИДЕНТ ВА НОРЕЗИДЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

«HAZORASP ROOF» масъулияти чекланган жамиятини (жамиятнинг устав фондидаги банк улушини)

СОТАЎТГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

№	Корхона номи	Бошланғич нархи (сўм)	Юридик манзили	Фаолият тури
1.	«Hazorasp Roof» МЧЖ	2.438.774.000,0	Хоразм вилояти, Хазорасп тумани	Том ёпиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, «Шаҳрибаъ» кўчаси, 3-уй. Тел./факс: 120-36-04.



«Дилрабо-СДА» янги режаларга қўл урмоқда

АЙНИ ПАЙТДА ТЎРАКЎРҒОН ТУМАНИДАГИ «ДИЛРАБО-СДА» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ РАҲБАРИ, О‘ЗЛИДЕР АЪЗОСИ МАҚСУДА СОДИКОВА БОШЧИЛИГИДАГИ КОРХОНАДА 100 НАФАРДАН ОРТИК ХОТИН-КИЗЛАР АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН 100 ТУРДАГИ ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДАЛАР

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Корхонада О‘зЛиDeРнинг 40 нафар аъзоси бўлиб, бошланғич тажриба бўлиб туришнинг дастурий мақсадлари самарали амалга оширилишида намунали фаолият олиб бормоқда.

Партия фаолларидан Наргиза Тешабоева, Нурхон Бозорова, Дилноза Абдуғафорова сингари ходимлар ҳам корхона, ҳам партия фаолиятида ташаббускорлиги, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан кўпчилиikka ўрнак бўлмоқдалар. Ана шундай маллакали мутахассисларнинг саъй-ҳаракати, гоё ва тақдирлари билан ҳамжиҳатликда яратилаётган сифатли маҳсулотлар қатор хоржий мамакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

— 2010 йилда «Россия темир йўллари» ОАЖ билан тузилган шартномага кўра 120 миң АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилди. Фойда эвазига Япония ва Хитойдан 70 миң АҚШ долларлик замонавий тикув-тўкув дастгоҳларини сотиб олдик, — дейди корхона раҳбари, халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутаты

М. Содиқова. — 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган муносабати билан ҳам депутат, ҳам тадбиркор сифатида корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишни мўлжаллашмоқда. Бу эса ўз навбатида янги иш уринлари яратиш имконини беради.

Дарҳақиқат, бугун тадбиркорларимизга яратилаётган имкониятлар соҳа ривожини ва Ватанимиз таракқиётига хизмат қилиш билан биргалликда ўз иқтисодини ва гайратини юрт рақибига, эл фаровонлигига бағишлаган ишбилармонларнинг ўз фаолиятида экспортнинг аҳамияти катта эканини чуқурроқ ҳис этишга ундамоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ташқи бозорда фаол иштирок этаётганлар орасида О‘зЛиDeP аъзолари бўлган тадбиркор аёллар ҳам кўпчиликин ташкил этади. Бугунги кунда вилоятда аёлларнинг 3572 нафари О‘зЛиDeP аъзосидир. Улар орасида 588 нафар тадбиркор ва 237 нафар фермер бор. Мамакатда соҳа ривожини янги босқичга кўтариш юзасидан белгиланаётган чора-тадбирлар ва яратилаётган имкониятлар эса уларнинг истиқболли режаларига қанот бағишляпти.

Акс-садо

«Лоқайдлик қимматга тушмасмикан?» муҳокама қилинди

«XXI ASR» ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНИНГ 2011 ЙИЛИ 13 ЯНВАРЬ СЕНИДА «ЛОҚАЙДЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСМИКАН?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛИБ, УНДА ОҚОЛТИН ТУМАНИ МУТАСАДДИЛАРИ ВА ПАРТИЯДАН САЙЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЁТГАН ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТИЛГАН ЭДИ

О‘зЛиDeP Сирдарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Жўраев имзоси билан олинган жавоб хатига Оқолтин туманида партиявий-сиёсий ишларни ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ўрта қатлам мамакатларини ҳимоя қилиш борасида жиҳдий нуҳсонларга йўл қўйиладигани мақолада тўғри ва ўридли кўрсатиб ўтилгани таъкидланди. Жавоб хатига, шунингдек, барча шаҳар ва туманларда партиявий-сиёсий ишларни партия талаблари даражасида ташкил этиш, ҳар бир депутатнинг шахсий масъулиятини ошириш, жойлардаги депутатлик гуруҳлари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олингани қайд этилди.

Вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларининг масъул ходимлари иштирокидаги муҳокамада партиявий-сиёсий ишлар самардорлигини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегishли чора-тадбирлар белгиланган. Маълумки, Оқолтин вилоятнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштиришга ихтисослашган етакчи туманларидан бири саналади. Бу ерда кичик бизнесни ривожлантириш, қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мав-

жуд. Афсуски, ана шу имкониятлардан ҳозиргача етарли даражада фойдаланилмаётди. Қолаверса, ўтган давр мобайнида халқ депутатлари туман кенгаши сессияси муҳокама-сига партия электоратини ташвишлантираётган бирон-бир масала олиб чиқилмаганини қандай изохлаш мумкин?

Кун тартибидaги масала бўйича О‘зЛиDeP вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўйича етакчи консултанти А.Солиев, Оқолтин тумани партия кенгаши раисининг ўринбосари М.Нурманов, депутатлик гуруҳи раҳбари Р.Едгорова сўзга чиқиб, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электротар мамакатларини ҳуқуқий ҳимоялаш, маҳаллий кенгаши депутатларининг фаолиятини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этилди.

Илгирлида мақола руҳидан келиб чиққан ҳолда партия вилоят кенгашининг жорий йилги иш режасига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, жойларда мафкуравий ишларни янада жонлантириш, ҳар бир депутатнинг шахсий масъулиятини ошириш, О‘зЛиDePнинг Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижроси устидан партиявий назоратни кучайтириш ҳақида қарор қабул қилинди.


Мамлакатлар ўртасидаги геосиёсий рақобат дунё осойишталигига раҳна солибгина қолмай, халқаро террорчилик, экстремизм, фундаментализм каби хавфли иллатларнинг ҳам урчишига, бошқарувнинг издан чиқишига ҳам олиб келиши мумкин.

Манфаат муносабатлар кушандасига айланмоқда

XXI АСРДА ЯНАДА АВЖ ОЛГАН, ДУНЁДА НЕФТЬ ЗАХИРАЛАРИНИ КЎЛГА КИРИТИШГА ҚАРАТИЛГАН РАҚОБАТ, «ҚОРА ОЛТИН» ВА «ЗАНГОРИ ОЛОВ» БОЗОРИДАГИ ҲАММАНИНГ ИРОҚ ВА АФГОНИСТОН ВОҚЕАЛАРИ, ЭРОННИНГ ЯДРОВИЙ МУАММОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИНҚИРОЗ ЁКИ КАСПИЙ МАҚОМИ АТРОФИДАГИ НИҲОЯСИ КЎРИНАётган МУНОЗАРАЛАР ВА ЭНЕРГЕТИК МАҲСУЛОТЛАР НАРХИНИНГ МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ТАРЗДА ОШИБ БОРИШИ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАРАНГЛАШУВИГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Таъкидлаш керакки, саноат ривожлангани сайин дунёда нефть ва табиий газга бўлган талаб кучайиб бормоқда. Хусусан, шу кунларда биргина газнинг йиллик истеъмоли 3 триллион куб метрдан ошаётган бўлса, 2030 йилга бориб рақамнинг 5,16 триллион куб метрга етиши кутилмоқда. Нефть нархининг ошиши эса “зангори олов”га бўлган эҳтиёжни баттар кучайтирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, газдан фойдаланиш йилига 2,4 фоиз кўпайиб бораётди. Унинг сайёрамиз энергетика балансидаги улуши 2030 йилга бориб 26 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. “Жаҳон энергетикаси статистикасининг таҳлили” тўпламида қайд этилган маълумотларга қараганда, 2010 йилда энг йирик газ экспортчилари Россия (151 млрд. куб метр), Канада (104 млрд. куб метр), Норвегия (79 млрд. куб метр), Жазаир (65 млрд. куб метр) ва Нидерландия (47 млрд. куб метр) бўлган.



Бугунга келиб эса Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси, Марказий Осиё ва Каспий “катта ўйин”даги шафқатсиз олишув майдонига айланиб улгурди. Узоққа бормаёлик: Каспийнинг ҳуқуқий мақоми юзасидан Россия, Озарбойжон, Эрон, Қозғистон ва Туркменистон ўзаро келишувга эришишга қанчалик уринмасин, йирик давлатларнинг манфаатлари денгиз бўйида хавфли вазиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айрим оммавий ахборот воситаларида эса Каспий минтақасининг дипломатик ўйинлар маконидан ҳарбий полигонга айланиб бораётгани ҳам бежиз таъкидланмапти. Негаки охириги ўн йилда денгиздаги ҳарбий кемалар сони икки баробар кўпайди. Денгиз бўйи мамлакатлари у ёқда турсин, ҳатто “нокаспий” давлатлар, айниқса, ана шу ҳудудни ўзининг ҳаётий манфаатлари зонаси деб эълон қилган Фарбнинг қатор давлатлари ҳам бу “ўйин”дан четда қолмаётган.

Каспий бўйи минтақасидаги бундай сиёсий йўл, энг аввало, муқобил энергетик қувурларни қуриш, илож бўлса, Россия ҳудудини четлаб ўтган ҳолда барпо этиш учун шароит яратиши кўзлайтирилади. Америкадаги “Мерос” жамғармасининг Россия бўйича мутахассиси Коэннинг қуйидаги фикрларига эътибор беринг: “АҚШ стратегик нуқтаи назардан Европанинг Россияга бўлган энергетик қарамлигини камайтириш тарафдоридир. Бу эса амалда Американинг европалик иттифоқчиларни айрим муҳим халқаро масалалар бўйича маневр олиб боришдан маҳрум этади”. Коэннинг оғоҳлантиришича, ҳозирги ҳолат сақланиб қолган тақдирда Кремль энергетик ресурсларга бўлган монополияси туфайли Европа сиёсатида қаттиқ босим ўтказиши мумкинки, бу охирида Америка-Европа муносабатларига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Оқ уй сиёсатчиларининг Европага нефть ва газ етказиб беришининг Россияга муқобил йўллари кидириб топилганга уринаётганлари ҳам тасодиқий ҳол эмас.

Тўғри, Россия ҳеч қачон Европа Иттифоқи олдида нефть ва газ етказиб бериш бўйича олган мажбуриятларидан бўйин товлагани йўқ. Аммо Москванинг МДХ мамлакатлари билан муносабатларида, савдо-сотиқ алоқаларида бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда иш тута бошлаши, нефть ва газ нархини шу аснода кўтариб юбориши туфайли келиб чиққан келишмовчиликлар гўёки Россия тимсолида вақтинча ишончсиз ҳамкор тасаввурини уйғотди. Албатта, ҳар бир мамлакат ҳар қандай масалалада ўз манфаатлари доирасидан келиб чиққан ҳолда иш тутади. “Газпром” раҳбари-

латнинг жаҳон газ тақсимоти бўйича катта имкониятга эга экани назарда тутилса, уларни четлаб ўтишга қаратилган уринишлар ортида қандай муқобил тўғрисидаги ўз-ўзидан ойдинлашади. Расмий Москва айни пайтда Европа Иттифоқининг “зангори олов”га бўлган эҳтиёжининг 25 фоизини қондираётди. Газ таъминотида узилишга йўл қўймастик учун “Шимолий Европа газ қувури”, “Зангори оқим”, “Жанубий оқим” ва бошқа лойиҳаларга кўл урилаётганига қарамай, Европа ва АҚШлик сиёсатдонлар келажаги маҳрум давволардан ҳозирча воз кечмоқчи эмаслар. Вақт ўтгани сайин “қўнға қитға”нинг Россия ва Марказий Осиё энергия ресурсларига бўлган қарамлиги ошиб бораётгани ҳам кузатиш мумкин. Европа давлатлари 2009 йилда Москвадан 290,8 миллион тонна нефть, 330 миллиард куб метр газ импорт қилишгани ҳам бунинг исботидир. 2015 йилга бориб ана шу эҳтиёжининг уч баробар ошиши, халқаро майдонда ОПЕКка муқобил бўлган газ ташкилоти тузилиши тахмин қилинмоқда. Бироқ бунга ҳамма ҳам рўйхушлик бермапти. Марказий Осиё давлатлари ҳам ушбу йирик энергетик рақобат майдонидан марказий ўрин тутмоқда. Европа Иттифоқи расмийларининг тез-тез минтақа мамлакатларига ташриф буюраётгани ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Бугун иқтисодиёти жадал ривожланаётган, саноати нефть ва газ импортига боғлиқ бўлган Хитой билан Ҳиндистон ҳам Марказий Осиё давлатлари ва Эрон билан янги энергетик қувурлар қуриш юзасидан жиддий музокаралар олиб бормоқда. Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон, Хитой, Қозғистон ва Туркменистон ўртасида йирик газ шартномаси имзоланган ва Марказий Осиё зангори оловини Чин юртига етказиб бериш борасида битим имзоланган эди. Чунки Каспий ва Марказий Осиё нефть-газ ресурсларига бой ҳудуд ҳисобланади. Шундай экан, яқин истиқболда ҳам ўзаро рақобат кучайса кучайдики, асло қамаймайди. Хитойнинг Эрон билан 100 миллиард доллар миқдордаги шартнома имзолани, АҚШнинг Россияни четлаб ўтувчи Транскаспий газ қувурлари ва “Nabucco” лойиҳаларини қўллаб-қувватлаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Таҳлилчилар Яқин Шарқ ва Африка ҳам халқаро муносабатлар, энергетик рақобатлар майдонига айланиб қолганини алоҳида таъкидламоқдалар. Ироқ уруши бу жараёнга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Россия, Хитой, Германия, АҚШ расмийларининг нефть ва газга бой бўлган Саудия Арабистони, Қатар, Нигерия, Ливия, Жазаир ва бошқа Яқин Шарқ ҳамда Африка давлатларига сафар уюштириётганлари ҳам энергия захиралари учун шиддатли қораш давом этаётганини кўрсатмоқда.

Агарки газ экспорти билан шугулланаётган давлатлар жаҳон газ бозорини шакллантириш хусусида мунозара олиб бораётган эканлар, бунга маълум объектнинг омиллар тўғрисида бўлаётганини таъкидламоқ жоиз. Гап шундаки, оддий табиий газ экспорти кўпнинг километрлик газ қувурлари қуриш ва ундан унумли фойдаланишнинг талаб қилади. Бутун Ер шарини қувурлар билан қамраб олиш эса амалга ошмайдиган жараёнлар. Табиий газни учинчи мамлакатлар орқали транзит қилиш эса тарифлар ва солиқлар туфайли қimmatга тушапти. Шунинг учун ҳам газ бозорларида эришилган узоқ мuddатли шартномалар биринчи даражада аҳамият касб этади. Бундай шароитда газ бозори истиқболли беvosита суолтирилган табиий газ инфратузилмаси ва қувватини ошириш билан боғланмоқда. Маълумки, суолтирилган газнинг

оддий газдан қатор афзалликлари бор. Масалан, агар табиий газ минус 162 даража ҳароратда совутилса, у махсус танкерларда денгиз орқали ташиш мумкин бўлган сувоқликка айланади. Бу қimmat, бироқ жуда самарали амалиёт.

Бироқ оддий бир ҳаётий ҳақиқатни унутмаслик лозим. Мамлакатлар ўртасидаги геосиёсий рақобат дунё осойишталигига раҳна солибгина қолмай, халқаро террорчилик, экстремизм, фундаментализм каби хавфли

иллатларнинг ҳам урчишига, бошқарувнинг издан чиқишига ҳам олиб келиши мумкин.

Шундай экан, нефть ва газ бозоридagi муносабатларни мўтадиллаштириш, барча баҳсли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Бунга эса халқаро майдондаги кескинликни фақат минтақаларда хавфсизликни таъминлаш орқалигина ҳал этиш мумкин, деган ақида ҳам кўрсатиб турибди.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

Вабога қарши вакцина



Хабарларга қўра, Бангладешда 250 мингга яқин кишида вабога қарши вакцина синавдан ўтказилди. Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган мазкур препарат таъсир кучининг юқорилиги ва арзонлиги билан кўпчилик мутахассислар эътиборини жалб қилган. Вабо вакцинасининг илк синови хасталик авж олган Мирпур шаҳрида бўлиб ўтди. Шунингдек, эмланган кишилар 4 йил давомида шифокор назоратида бўлиши таъкидланган.

Маҳаллий матбуот ёзишича, ушбу касалликка қарши турли хилдаги препаратлар ишлаб чиқилган. Бироқ аксариятнинг нархи қimmat. Бу эса аҳолини оммавий тарзда эмлашда талай қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Соф фойда 65 фоизга ошди



Электроника воситаларини ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири — Samsung ўтган йили соф фойдани 65 фоизга оширишга муваффақ бўлди. 2010 йилда компания 14,5 млрд. доллар фойда кўрди. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, компаниянинг катта миқдорда фойда олишига асосан “Galaxy” смартфонлари ва “Galaxy Tab” планшет компьютерлари савдосининг ўсиши сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга қўра, Samsung даромадининг асосий қисмини мобил телефонлар савдосидан олади. У биргина ўтган йилда 280 млн. донга уяли алоқа апаратини сотган.

Озиқ-овқат нархи хавфли даражага етди



Дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари нархи хавфли даражага етмоқда. Бу ҳақда Жаҳон банкининг президенти Роберт Зеллик ўз баёнотида маълум қилган. Франция пойтахтида ўтган “катта йигирмалик” мамлакатларининг молия вазирлари ва марказий банклар раҳбарларининг мажлисида у озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг тўхтовсиз оширилиши билан боғлиқ беқарорликлар ҳақида оғоҳлантирган. Шунингдек, Зеллик “катта йигирмалик” етказиларини озиқ-овқат нархи ҳақидаги масала жуда муҳим эканини таъкидлаб, уларни 2011 йилда мазкур муаммоли вазиятни биринчи рақамли устувор вазифа деб ҳисоблашга чақирди.

Тахминлар қанчалик асосли?



АҚШлик олимлар томонидан галактикамизда 50 миллиард сайёра борлиги тахмин қилинмоқда. Ушбу тахминга Америка фазовий тадқиқотлар маркази НАСАнинг янги сайёралар излаб топилган “Kepler” телескопидан олдинги дастлабки маълумотларни таҳлил қилиш асосида келинган. “Kepler” лойиҳаси бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассисларнинг айтишича, аниқланган сайёраларнинг 500 миллиони “жуда иссиқ” ва “жуда совуқ” бўлмаган нуктада жойлашган. Шу босим олимлар ўша сайёраларда ҳаёт бўлиши мумкин, дея тахмин қилмоқдалар.

Саратондан эҳтиёт бўлинг



Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) раҳбари Юкио Аmano ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чан дунё ҳамжамияти эътиборини қашшоқ ривожланаётган давлатларда саратон касаллиги кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бораётганлигига қаратди. Чан хонимнинг таъкидлашича, хасталик хуруж қилган мамлакатларнинг ўзи саратонга қарши кураша олмайди. Аниқланишича, ҳар йили жаҳонда саратондан 7,6 млн.

киши ҳалок бўлмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, Африканинг баъзи мамлакатларида 15 фоизга яқин онкологик касалликларга дучор бўлганлар бачадон ва кўкрак беzi саратони таххисидан сўнг 5 йил умр кўрмоқдалар, ҳолос.

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий тазетаси

2011 йилга обуна давом этмоқда



Кападзе Англияга бормоқчи

2012 йил Лондонда ўтказилган Олимпиада ўйинларининг саралаш бешашуварига тайёргарлик кўраётган футбол бўйича Ўзбекистон (U-23) терма жамоаси Туркияда ташкил этилган ўқув-машғулот йигинида иккита ўртоқлик-назорат учрашуви ўтказди.

Дастлаб Украинанинг «Шахтёр» клуби билан 2:2 ҳисобида дураг ўйнаган Тохир Кападзе ва Марат Мифтахутдинов мураббийлигидаги олимпиадаларимиз Беларуснинг «Неман» жамоасига қарши ўтказилган иккинчи учрашувда 3:2 ҳисобида галаба қозондилар. Биринчи баҳсада вакилларибиздан Шерзод Каримов ва Кенжа Тўраев ўз ҳисобларига биттадан гол эғиб қўйган бўлсалар, беларусликларга қарши ўйин давомида 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб турган терма жамоамиз аъзолари Фозил Муслиев (2 та) ва Алишер Азизов томонидан киритилган тўплар эвазига учрашувни ўз фойдаларига ҳал этишнинг улдасидан чиқдилар. Дарвоқе, «Олимпиада-2012» мусобақасининг 4 та йўланмаси учун ўтказилган Осиёдаги саралаш баҳслари ҳақида.

Учта асосий ва битта қўшимча босқичдан иборат бўлган квалификация бешашуварига кеча, яъни 23 февраль кунини старт берили. Нисбатан юқори рейтингга эга бўлган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси қитъамизнинг бошқа 12 та жамоаси сингари ушбу бешашуварга июнь ойида бошланган иккинчи босқичдан қўшилиши. Сентябрь ойида бўлиб ўтадиган учинчи раунд натижаларига кўра гуруҳларда биринчи ўринларни эгаллаган 3 та жамоа тўғрисидаги турнирда сўнгги йўланма тақдирини ҳал этади.

Сара ўғлонлар Ватан ҳимоясига отландилар

ШУ КУНЛАРДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАКИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ МУДОФАА ИШЛАРИ БОШҚАРМАЛАРИ ЙИГИН ПУНКТЛАРИДА ХИЗМАТ ЁШИДАГИ ЙИГИТЛАР МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФИГА КУЗАТИЛМОҚДА

Жамшид НИЁЗОВ

Янгича аънаана мувофиқ Қуролли Кучлар сафига тиббий кўрик, жисмоний, интеллектуал, руҳий ва тест синовлари асосида саралаб олиш тартибининг йўлга қўйилгани эса миллий армиямизда етук аскарларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Мирзабек — оилада тўнғич фарзанд. У коллежни битириш арафасида зиммасидаги шарафли бурчини ўташга аҳд қилди. Унинг бу қарорга келишида яқиндагина армиядан қайтган маҳалладошларининг, ўртоқларининг таъсири катта бўлди.

М.Хужаниёзовни армияга тантанали кузатиш маросимида бутун оила аъзолари тўпланди. Саф тортиб турган аскарлар орасида сеvimди неварасининг борлигидан саксонни қоралаган Хотила буви ҳам чексиз фахрланди.

— Бугунги маросимда гуруҳланиб ўтирибман, — дейди онахон. — Қаранг, бугун ҳарбий хизматга отланаётган ўғлонларимизда кўнглимиз тўқ. Негаки, фарзандларимиз ўз юртимизда, тинч кунларда ҳарбий хизматни ўтамоқдалар. Ана шундай мардлар сафидан мен ҳам неварам борлигидан қувончаман.

Ўқтам Ражабов ҳам юрт қўришни ихтиёр этганлардан. Самбо бўйича спорт устаси, икки карра Ўзбекистон чемпиони. 2008 йилда ўтказилган қитъа биринчилигида голиб чиқиб, Осиё чемпиони ҳам бўлган. Мана, бугун у зиммасидаги конституциявий бурчини адо этишга йўл олаётир.

— Ўртанча ўелимни армияга кузатайман, — дейди биз билан суҳбатда Аскар йигитнинг онаси Мавлуда опа Ражабова. — Ўқтамнинг акиси Алҳамжон ҳам шарафли касб эгаси. Саккиз йилдирки Қуролли Кучларимиз сафида хизмат вазифини адо этиб кел-



моқда. Укасини яхши ўқишга, спортга қизиқтирган ҳам у. Чунки маънавий ва жисмоний камолотнинг уйғунлиги инсоннинг юксак марраларни забг этишига хизмат қилади.

Муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган чақиривулчлар билан суҳбатлашши асносида бир жиҳат эътиборимни торти. Бугун аскар деган номга сазовор бўлган ўғлонларнинг кўпчилиги — муайян касб-хунар эгаси. Бири ҳайдовчи, кинолог, бошқа бири алоқачи, чилангар, ЭҲМ оператори.

— Касб-хунар коллежи-

да ўқишни тамомлаб, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чирчиқ автомобильчилар тайёрлаш мактабида тахсил олдим, — дейди зангиоталик Жаҳонгир Сулаймонов. — Мен ҳайдовчилик курсида ўқидим. Устозларимиздан турли русумдаги транспорт воситаларини бошқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш, автомобиль тузилиши ва йўл-ҳаракати қондалари,

транспорт воситаларини хавфсиз бошқариш асослари билан бир қаторда армия, муддатли ҳарбий хизмат, посбонларнинг бурч ҳамда мажбуриятлари ҳақида ҳам атрофчила тушунчага эга бўлдик. Муддатли ҳарбий хизматда шу пайтгача олган билимларим, хунарим менга қўл келишига, бурчимни аъло даражада ўташимга ёрдам беришига аминман.



Футбол «баҳор»и яқин

1 МАРТ КУНИ ОСИЁ ҚИТЪАСИНИНГ БИР ҚАТОР МАМЛАКАТЛАРИДА БЎЛГАН И КАБИ ЮРТИМИЗДА ҲАМ ЯНГИ ФУТБОЛ МАВСУМИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ

Шухрат ХҲЖАЕВ,
«XXI ASR»

«Қатар-2011» мусобақаси орқали қишда ҳам ўзбек футбол вакиллари, яъни миллий терма жамоамиз аъзоларини қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлган мухлислар энди бор эътиборларини клублар ўртасида ўтказилган турнирларга қаратсалар, ажабмас. Негаки, баҳорнинг ilk кунндаёқ мамлакатимизнинг икки шахри халқаро учрашувларга мезбонлик қилади. Жумладан, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси шу кунни пойтатимиздаги марказий стадионда Осиё Чемпионлар лигаси доирасида «Ан Наср» (Саудия Арабистони) клуби билан бешашува қаршида, Қашқадарёнинг «Насаф» жамоаси Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) кубогидан ўрин олган учрашувда «Ал Ансор» (Ливан) клубини қабул қилади.

Ўзбекистон Профessional футбол лигасининг яна икки вакили — «Бунёдкор» (Тошкент) ва «Шўртан» (Фузур) жамоалари янги мавсумдаги дастлабки расмий учрашувларини сафарда ўтказадилар. Хусусан, мамлакатимиз чемпиони 2 март куни ОЧЛнинг гуруҳ босқичидаги дастлабки рақиб — «Ал Ваҳда»га қарши тўп суриш учун Бирлашган Араб Амирлик-

ларига йўл олса, фузурликлар мартнинг биринчи санасида меҳмонда Қувayтнинг энг номдор жамоаси, ОФК кубогининг амалдаги голиби «Ал Қодисия» футболчиларига рўбарў бўладилар.

Шу ўринда халқаро майдонда юртимиз шарафини ҳимоя қилган ана шу «тўртлик» янги мавсумга жиддий ҳозирлик кўрганани айтиб ўтиш жоиз: Туркия ва БАА ҳамда мамлакатимиздаги спорт базаларида бир қатор ўқув-йигини машғулотлари ташкил этилди. Унлаб ўртоқлик-назорат учрашувлари ўтказилиб, жамоалар ўйинини кучайтириш мақсадида таркибига янги футболчилар жалб этилди.


Ишончимиз комилки, ана шу тайёргарликлар, шунингдек, юртимизда футболни янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган илоҳотлар, хусусан, Президентимизнинг жорий йил 19 январида қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўз натижасини беради ва спортчиларимиз яхши ютуқларга эришган ҳола миллионлаб мухлислар, бошқача қилиб айтганда, бутун халқ ишончини оқлашнинг улдасидан чиқадилар.

Жамоаларимиз иштирок этадиган халқаро мусобақалардаги гуруҳлар куйидаги кўринишга эга:

Осиё Чемпионлар лигаси	ОФК кубоги
«В» гуруҳи	«А» гуруҳи
1. «Истиклол» (Эрон)	1. «Демпо» (Хиндистон)
2. «Ан Наср» (Саудия Арабистони)	2. «Ал Ансор» (Ливан)
3. «Пахтакор» (Ўзбекистон)	3. «Насаф» (Ўзбекистон)
4. «Ал Садр» (Қатар)	4. «Ат Тилол» (Яман)
«С» гуруҳи	«В» гуруҳи
1. «Ал Ваҳда» (БАА)	1. «Ал Қодисия» (Қувayт)
2. «Перузи» (Эрон)	2. «Ал Иттиҳод» (Сурия)
3. «Ал Иттиҳод» (Саудия Арабистони)	3. «Ас Сақр» (Яман)
4. «Бунёдкор» (Ўзбекистон)	4. «Шўртан» (Ўзбекистон)

Америка пиццадан воз кечди

Британиянинг Бристоль шаҳри университети олимлари пицца, чипс ёки қовурилган картошка истеъмол қилган болаларнинг бош миёза фаолияти сувайишсини аниқладилар. Уч ёшгача бўлган болаларнинг таркибида ширинлик ва ёғи кўп озиқ-овқат маҳсулотларини тановул этишлари эса улар организмнинг интеллектуал ривожланишига салбий таъсир кўрсатар экан. Натijaда уларнинг овқатланиш раионини улартириш ҳам фойда бермаслиги исботланди. Ушбу таҳлиллар америкалик мутахассислар томонидан урганлагач, мактабларда газланган ширин сув ва картошка чипси сотилиши тақиқлаб қўйилди.



Бахтли қиз қўшиғи

Гулжамол АСКАРОВА

Юрсам тўрт тарафим гулзор бўлади,
Гуллайман, ҳар куним баҳор бўлади,
Сўз айтсам, ашъор у аёр бўлади,
Мен шу гузал юртининг бахтли қизиман!

Онадек бошимни силайди Ватан,
Ҳар тонг иқболимни тилайди Ватан,
Дуолар қилади, қўллайди Ватан,
Мен шу гузал юртининг бахтли қизиман!

Толларда сайрим бор кийиклар билан,
Дили Эл дардила куюклар билан,
Илдизим туташдиру буюклар билан,
Мен шу гузал юртининг бахтли қизиман!

Яшайман Зулфия, Нодира бўлиб,
Тонги шабнамлардек бокира бўлиб,
Бахт топдим, оlima, шоира бўлиб,
Мен шу гузал юртининг бахтли қизиман!

Барчинодан мерос номус-орим бор,
Дунёни гуллатар гул баҳорим бор,
Кўксимда бир буюк ифтихорим бор,
Мен шу гузал юртининг бахтли қизиман!

Машғулотда тер тўккан жангда қийналмайди

Байларка ва қанозда эшак эшиги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Лондонда бўлиб ўтадиган XXX Эгни Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш мақсадида Исроилга жўнаб кетди. Маълумотларга кўра, Вячеслав Сергеев, Александр Пономарёв ва Вячеслав Шубиндан иборат мураббийлар штаби Тель-Авивдаги спорт базасида бўлиб ўтадиган ўқув-машғулот йигинига байларкачилардан Сергей Борзов, Вячеслав Торн, Алексей Пекют, Владимир Осокин, Алексей Мачалов, Юлия Борзова, Екатерина Шубина, Ксения Полунина, қанозчилардан сўнгги жаҳон чемпионатлари ва Осиё ўйинларининг мутақ голиби, сайёрамизнинг янги қара энг яхши қанозчиси Вадим Меньков, шунингдек, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Мирей Мелетов ва Мирзиёд Ҳожиев каби тажрибали спортчиларни жалб қилган. Ўқув-йигини машғулотлари 1 мартта қадар давом этади.



24 февраль-2 март кунлари учун олинган об-ҳаво маълумотларига караганда, мамлакатимизда серёгин, паст ҳароратли кунлар ҳали-бери сақланиб туради. Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Фарғона водийси вилоятларида ҳафта давомида вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғиб туради. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 8-15, кундузи 2-4 даража совуқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида термометр тунда 4-10 нолдан паст, кундузи эса -1-+4 даражани кўрсатади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечалари -8-+5, кундуз кунлари 1-11 даражагача иссиқи кутилмоқда. Фарғона водийси вилоятларида тунда -11-+1, кундузи 1-7 даража илиқ об-ҳаво кузатилади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тунлари 5-15 даража совуқ, кундуз кунлари эса -3-+1 даража ҳарорат қайд этилади. Тошкент вилояти ва пойтатимизда кечаси 4-14, кундузи 1-3 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.

AGROBANK

«АГРОБАНК» — ЮРТ БЎСОДИГИ ВА ДРАТУСАНИНГ ҲОВВАРИНИНГ МОЎЛЛИГИНИ ТАЪКИҚИ

TURON BANK

Эффективный рост ваших капиталов

МЧЖ «ЖОМБОУ ЯВОНИРИ» ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚУШМА КОРХОНАСИ

МАХСУЛОТ ТУРТЛАРИ

Қопланган микрокальцит: 065ZMK, 095MK, 1MK, 2EXMK, 2MK, 3MK, 5MK

Микрокальцит: 065M, 095M, 1M, 2EXM, 2M, 3M, 5M, 10M, 15-40M

Манзил: Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, Деҳқонobod кўрғони, Санoат худуди. Тел: (+998 68) 900-70-06, (+998 95) 502-42-24.